

## Қабристондаги туш



07:00 / 15.01.2019 5607

Солиҳ Муррий ҳикоя қилади: «Жума тунларидан бирида қабристонда тунаб қолдим. Туш кўрдим: қабрлар ёрилиб, ўликлар чиқиб келди ва ҳалқа-ҳалқа бўлиб ўтиришди. Сўнг уларга тепадан оғзи ёпиқ товоқлар тушди. Улар орасида бир йигит бўлиб, унга турли қийноқлар билан азоб бериларди. Унга яқинлашиб: «Эй йигит, бу қавм орасида нега фақат сен азобланяпсан?» деб сўрадим. «Эй Солиҳ, Аллоҳ ҳаққи сенга тайинлайдиган ишларимни бажар, омонатни адо эт, аҳволимга раҳминг келсин. Шояд Аллоҳ азза ва жалла сен туфайли мени бу азоблардан халос этса. Мен вафот этганимдан буён онам йиғловчи, айтиб йиғловчи аёллар – гўяндаларни тўплаб, улар жўрлигида кунига дод-вой солмоқда. Шу сабабли мен азобдаман. Онаминг ёмон, бемаъни гап-сўзи, азаси боис олдим-у ортим, ўнг-у сўлимда олов. Аллоҳ уларга менинг номимдан яхши мукофотлар бермасин», деб йиғлади у. Унинг йиғисини кўриб мен ҳам кўз

ёшларимни тийиб туrolмадим. «Эй Солиҳ, Аллоҳ ҳақи, онамнинг олдига боргин. Улар фалон жойда турадилар», деб манзилни тушунтирди ва давом этиб деди: «Уларга менинг номимдан айтгинки, эй она, нега фарзандингизга азоб берасиз. Мени нақадар ёмон тарбияладингиз, қанчалар хунук сақладингиз, ўлганимдан сўнг эса азобга ташладингиз. Эй она, аҳволимни бир кўрсангиз эди: бўйнимда кишан, оёғимда тахтакач, азоб фаришталари бақириб, уриб азоб беришмоқда. Аҳволимни бир кўрсангиз эди, менга раҳмингиз келарди. Агар ҳозирги азадорлигу, дод-войларингизни бас қилмас экансиз, у ҳолда осмонлар ёриладиган, барча халойиқ ҳисоб-китобга рўбарў бўладиган куни иккимиз орамизда Аллоҳ ҳакам бўлур!»

Чўчиб уйғондим ва кўрган тушимдан таъсирланиб тонггача ухлай олмадим. Тонг отгач, шаҳарга кирдим. Менинг бирдан-бир мақсадим йигитнинг уйини топиш эди. Сўраб-суриштириб уйни топдим. Дарвоза қорага бўялган, ҳовлидан гўяндалару азадорларнинг йиғиси эшитилиб турарди. Дарвозани қоққан эдим, бир кампир чиқиб: «Сизга ким керак?» деб сўради. «Ўлган йигитнинг онаси керак эди», дедим. «Унда нима юмушингиз бор, у ўз қайғуси билан машғул?» деди у. «Уни менга чақириб беринг, ўғлидан унга хабар олиб келдим», дедим. Кампир ҳовлига кириб кетди. Бир оздан кейин қоп-қора кийим кийган, йиғлайвергани ва шапатилайвергани сабабли юзи ҳам қорайиб кетган бир аёл чиқди. «Сиз кимсиз?» сўради у. «Мен Солиҳ Миррийман. Кеча кечқурун қабристонда шундай-шундай воқеалар рўй берди. Ўғлингизни кўрдим. У азобда қолган», деб тушимда кўрганларимни айтиб бердим. Аёл гапимни эшитгач, ерга йиқилиб ҳушидан кетди. Ўзига келгач: «Эй ўғлим, мени кечир. Агар бу аҳволда эканингни билганимда эди, бу ишларни қилмас эдим. Мен қилган ишларимдан Аллоҳ таолога тавба қилдим», дея қаттиқ йиғлади. Сўнг ичкарига кириб гўяндаларни тарқатиб юборди ва бошқа кийим кийди. Бир ҳамён дирҳам узатиб: «Эй Солиҳ, буни ўғлим номидан эҳсон қил», деди. Дуо қилиб пулларни олдим ва ўғли номидан садақа қилдим.

Кейинги жума тунида, одатдагидек қабристонга бориб тунадим. Тушимда маййитларни кўрдим. Улар қабрларидан чиқиб ҳалқа-ҳалқа бўлиб ўтирдилар. Уларга товоқлар тушди. Ҳалиги йигит шод-хуррам, хушчақчақ эди. Унга ҳам товоқ келди. Мени кўриб олдимга келди ва: «Эй Солиҳ, Аллоҳ сени мукофотласин. Онам қилаётган номаъқул ишларини тарк этгани учун Аллоҳ азобни енгиллатди. Менинг номимдан қилган садақанг ҳам етиб келди», деди. «Булар қанақа товоқлар?» деб сўраган эдим «Булар тирикларнинг ўликларга хайр-эҳсон, хатми Қуръон ва дуолардан иборат

ҳадяларидир. Ҳар жума кечаси уларга олиб келишади-да, бу сенга фалончининг ҳадяси дейишади. Энди онамнинг олдига қайтиб борганинда, уларга саломимни ва ушбу гапларимни етказ. Онажон, Аллоҳ сизни мукофотласин, менинг номимдан қилган садақангиз етиб келди. Сиз менга яқинсиз, тайёргарлигингизни кўринг», деди. Кейин уйғониб кетдим. Бир неча кун ўтгач, аёлнинг уйига бордим. Эшик олдида тобут турган эди. Ким қазо қилди, деб сўраган эдим, йигитнинг онаси, дейишди. Унга жаноза ўқиб, ўғлининг ёнига дафн қилдик. Унинг ҳақиға дуо қилиб, ўз йўлимга равона бўлдим».

Аллоҳ таоло бизни мусулмон ҳолимизда вафот этдиришини, солиҳлар сафига қўшишини ва дўзахдан сақлашини сўраймиз. Албатта, У саховатли, марҳаматли, раҳмли ва меҳрибон зотдир.

***«Гуноҳи кабиралар» китобидан***